

Бақара сураси, 28-оят

14:45 / 09.08.2017 3123

Қандай қилиб Аллоҳга куфр келтирасизлар? Ҳолбуки, ўлик эдингиз, У сизни тирилтирди, сўнгра сизни ўлдирадир ва яна тирилтирадир, кейин сизлар Унга қайтариласизлар. Бақара 28.

Ушбу оятда кофирлик нақадар ёмон нарса экани очиқ-ойдин далиллар билан исбот қилинмоқдаки, заррача ақли бўлган одам бу далиллардан сўнг мўмин бўлмай иложи йўқ. Ҳар бир инсон ўйлаб кўрса, бир вақтлар жонсиз эди, унда ҳаётнинг асари йўқ эди, ўлик ҳукмида эди. Бир вақт келиб, унда жон пайдо бўлди, ҳаёт асари кирди. Ҳўш, бу жонни унга ким берди? Жавоб битта: унга жонни Аллоҳ берди. Аллоҳ берган жон билан тирик туриб, Аллоҳни қандай инкор этасан? Қандай қилиб Унга куфр келтирасан?!

Балки инсон унга жон қаердан келганини ўйлашга кўп ҳам рағбат қилмас, лекин оятда эсга солинаётган ишга – «**сўнгра сизни ўлдирадир**»га тан бермай илож йўқ. Дунёнинг энг ақлсизман, деган кофир ҳам ўлим олдида ноилождир. У абадий яшаб қолмаслигини билади, ўлимга бош эгади. Ҳўш, барибир бир кун келиб, Аллоҳ жонингни олар экан, қандай қилиб У Зотни инкор этасан, қандай қилиб Унга куфр келтирасан?!

Сўнгра Аллоҳ яна инсонни қайта тирилтиради. Бу иш қиёмат кунда амалга оширилади. Кофирлар бу босқичга ишонмай, тортишадилар. Лекин ҳужжат-далиллар уларнинг бу қайсарликлари ҳам беҳуда эканини кўрсатади. Жумладан, инсонни йўқдан бор қилиб, жон ато этган Аллоҳ учун барчанинг жонини яна ўзига қайтариш жуда ҳам осондир. Шундай экан, қандай қилиб улар Аллоҳни инкор этадилар, Унга куфр келтирадилар?!

Оятнинг охирида:

«...**кейин сизлар Унга қайтариласизлар**», – дейилади.

Аллоҳга қайтиш ҳақ экан, қандай қилиб улар Аллоҳни инкор этадилар, Унга куфр келтирадилар?!